

Дунёвий ишларда зоҳирга биноан ҳукм чиқарилади | Ақийда дарслари (254-дарс)



19:00 / 21.11.2023 4735

Уламоларимиз: «Ислом мусулмонлар жамоаси ҳаққидир, иймон Аллоҳ таолонинг ҳаққидир», дейдилар. Иймон қалбга боғлиқ ҳақиқат бўлиб, унинг ҳақиқатидан ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзидан бошқа бирорта зот хабардор бўла олмайди. Бу нарса Аллоҳ таолонинг Ўзининг хос ҳаққидир. Иймон бўйича баҳони ҳам, мукофот ёки жазони ҳам фақатгина Аллоҳ таолонинг Ўзи беради.

Мўмин-мусулмонлар эса зоҳирий аломатларга қараб муомала қиладилар. Уларнинг одамлар ичидаги ҳақиқатни билишга имконлари йўқ ва бу нарса улардан талаб қилинган ҳам эмас.

Бунга имом Бухорий Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган қуйидаги ҳадисни мисол тариқасида келтириш мумкин:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларни Жуҳайнанинг ерларидан Хурқага юбордилар. Биз уларни тонг чоғида босдик. Мен ансорийлардан бири билан улардан бўлган бир кишига йўлиқдим. Уни ўраб олган эдик, у «Лаа илааҳа иллаллоҳу!» деди. Ансорий тўхтаб қолди, мен эса уни найзам билан қатл қилдим.

Келганимизда бу хабар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб борди. У зот: «Эй Усома! «Лаа илааҳа иллаллоҳу», деганидан кейин ҳам уни қатл қилдингми?!» дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, бунини ўлимдан қутулиш учунгина айтди», дедим. У зот ўз гапларини қайта-қайта такрорлайвердилар, такрорлайвердилар, ҳатто «Ўша кунгача мусулмон бўлмаган бўлсайдим», деб орзу қилдим».

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 03-07/5979-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.